

ЛОГИСТИКА КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Мирқосимов Жаҳонгир Мирмухсинович

Тошкент давлат иқтисодий университети, мустақил изланувчи

Аннотация: Мақолада логистика корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни ташкил этиш масалалари ҳусусида тадқиқот олиб борилган ва хулосалар шакллантирилган.

Калим сўзлар: логистик корхона, бухгалтерия, ҳисоб, хўжалик операцияси

Тадқиқотларда логистика кенг тушунча эканлиги қайд этилиб, мутахассислар томонидан турлича ёндашилган. Транспортда ташиш, ортиш-тушириш, омбордаги кирими ва чиқимини юритиш каби тор маънода тушунмаслик лозим. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, логистикани материал оқимини бирламчи манбасидан охиригистеъмолчисига етказиб бергунга қадар, товар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш асосида бошқариш тушунилади.

Логистика олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар ва уларнинг натижасини икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ олимлар томонидан логистика алоҳида хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг йўналиши сифатида ишлаб чиқариш жараёнида материаллар оқимини бошқариш деб таърифланган бўлса, иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар томонидан фанлараро илмий йўналиш сифатида материаллар оқими самарадорлиги ва уни оширишнинг янги имкониятларини қидиришга қаратилган. Фикримизча, мамлакатимизда транспорт логистикаси ривожланиб борар экан, мазкур соҳаси ҳисоб-ахборот билан таъминлаш, доимий кузатишлар ва ўрганишлар асосида таҳлил ишларини амалга ошириш ҳамда назорат қилиш орқали прогноз кўрсаткичларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикаимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотларнинг пировардида, республикаимизда логистиканинг ривожлантирилиши заруриятга айланиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири эса, республика ичидаги ва унинг ташқарисидagi кучли интеграция ҳисобланади. Бундай жараёнда логистика соҳасининг ривожланиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Логистиканинг ривожланиши бевосита логистик хизматлар сифатини туширмаган ҳолда харажатларни камайтириш, даромадни ошириши эвазига бўлади.

Логистиканинг ривожланишини таъминлашда барча иқтисодий дастаклар ишга солиниши лозим. Аммо, бу жараёнда логистик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри ва оптимал йўлга қўйиш, харажатлар ҳисобини юритишнинг энг оптимал ва самарали усуллари қўллаган ҳолда хизматлар таннарини ҳисоб юритишнинг оптималлаштириш орқали пасайтириш мақсадга мувофиқ.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аксарият тадқиқотларда логистик харажатлар ҳисоби юритилиши бўйича ўрганишлар қилинган, бироқ логистик корхоналари томонидан юқори самарадорликка эришиш учун фақатгина мазкур объект ҳисобини юритиш етарли эмас. Шу боис, фикримизча, логистик харажатлар ҳисобини юритиш ҳар қандай корхона нукта назаридан самарали ташкил қилиниши лозим бўлса, айнан логистика фаолияти билан шуғулланадиган субъектлар учун бухгалтерия ҳисобининг асосий объектлари ҳисобини оптималлаштириш, такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади.

Логистик корхоналарда ва логистика ишларини амалга оширувчи корхоналарда ҳисоб ва таҳлил ишларини самарали ташкил этилиши уларнинг фаолиятини такомиллашувига ва ривожланишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, логистик фаолият билан шуғулланувчи корхоналар ва логистика хизматини мавжуд бўлган алоҳида корхоналар кесимида ҳисоб ва таҳлилни амалга ошириш юқори натижаларни келтириб чиқаради.

Бизнинг фикримизча, логистик корхоналарда харажатлар ҳисобини юритишда бирор бир усул танлаш мазкур корхонанинг хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим. Жумладан, логистик

хизматини амалга оширувчи корхона ёки корхонанинг ўз ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда логистика хизматини кўрсатиш мумкин.

Назарий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, логистик корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш, унинг натижаси бўйича асосланган хулосалар чиқариш ҳамда самарали иқтисодий, бошқарув қарорларини қабул қилиш тармоқнинг ривожланишига сезиларли таъсир ўтказди.

Тадқиқотларда субъектнинг барча харажатларини таркибидан логистик харажатларни ажратиб олиш, уни алоҳида таҳлил объекти сифатида ўрганиш муҳим эканлигига эътибор қаратилади. Бу муносабат бир томонлама тўғри, аммо, бизнинг фикримизча, бундай таҳлил логистик корхоналарга эмас, ҳар қандай корхона томонидан логистик хизматларни кўрсатишга тааллуқли бўлади.

Барча харажатлар ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнидаги таъминот, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёни билан бевосита боғлиқлигидан келиб чиқиб, харажатларни жудаям кенг турларга бўлишга ҳожат йўқлигини келтириб чиқаради. Чунки, ҳар қандай бошқа логистик харажатлар мазкур учта жараённинг бирида келиб чиқади.

Биз томонимиздан олиб борилган қўпгина ўрганишлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, логистик фаолиятининг таҳлилини амалга ошириш ёки унинг ҳисобини юритиш масалаларида асосий эътибор, харажатлар ҳисоби ва харажатлар таҳлиliga қаратилган. Аммо, шу билан биргаликда, асосий фаолияти логистик хизматларни кўрсатиш бўлган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида бухгалтерия ҳисобининг бошқа объектлари, жумладан, активлар, хусусий капитал, даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар билан боғлиқ муносабатлар ҳисоб объекти сифатида алоҳида тадқиқ қилинмаган.

Бизнинг фикримизча, харажатлар нуқтаи назаридан қаралганда ҳам харажатлар таҳлилини амалга оширишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

логистик харажатларнинг фаолият турига боғлиқлиги, яъни, асосий фаолият тури логистик фаолият бўлган субъектларда логистик харажатларнинг таркибий тузилиши таҳлили;

логистик харажатларни хизматлар таннархига олиб бориш усуллари;

логистик хизматлар таннархига киритилмайдиган бошқа харажатлар таҳлилини амалга ошириш ҳамда бундай харажатларнинг умумий харажатлар таркибидаги улуши;

логистик фаолиятни амалга оширишда ташқи омиллар билан боғлиқ харажатлар, солиқ сиёсатининг ўзгариш, хорижий мамлакатлар билан боғлиқ халқаро ташишларни амалга ошириш харажатларининг ўзга хос хусусиятларини инобатга олиш.

Биринчи навбатда логистик харажатларни корхона фаолиятига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш, корхона фаолиятига қараб харажатлар ҳисобини юритиш нуқтаи назаридан ҳамда уни таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда, таҳлилнинг асосий вазифаси логистик хизматлар кўрсатиш асосий фаолияти логистик хизматларни кўрсатиш бўлган субъектларнинг асосий фаолият харажатларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда олинган асосий фаолият даромадларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат бўлиши керак.

Бунда асосий фаолияти логистик хизмат кўрсатиш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун, харажатларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

асосий фаолият билан боғлиқ хизматлар таннархига киритилмайдиган харажатлар;

хизматлар таннархига киритилмайдиган асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар;

асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар.

Асосий фаолият билан боғлиқ хизматлар таннархига киритилмайдиган харажатлар таркибига бевосита логистик харажатларни кўрсатиш жараёнида хизматлар таннархини ташкил қилувчи хом-ашё ва материалларнинг сарфланиши, ёқилғи-энергетика харажатлари, меҳнат ҳақи ва у билан боғлиқ бошқа харажатлар, асосий фаолиятда хизмат кўрсатувчи асосий воситаларнинг амортизация харажатлари ва бошқа шу каби бевосита логистик корхонанинг асосий воситалари билан боғлиқ харажатларини киритиш лозим.

Бу харажатлар охир-оқибат логистика корхонасининг асосий фаолиятига таъсир қилиб, унинг асосий фаолиятдан олинган фойдасини камайишига олиб келади. Шу боис, логистик корхоналар таҳлил жараёнида харажатларни мазкур йўналишда таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектларда харажатларни камайитириш, уни оптималлаштириш учун доимий чора-тадбирлар қилинишига олиб келади. Энг муҳими мазкур чораларни аниқ ишлаш тартиби бўлмаса улар ҳам наф бермайди ва харажатлар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, корхоналарнинг турли иқтисодий кўрсаткичларига ўз таъсирини ўтказди. Шу боис, хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини юритиш ва уни доимо таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бундан асосий эътиборни харажатларни таркибларга бўлиш орқали аниқ ҳисобини юритиш ва самарали таҳлилни амалга ошириш мумкин.